

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУАЗИЗОВА ДУРДОНА АБДУЗУХУРОВНА

**ТУРЛИ ЛИНГВОМАДАНИЯТЛАРДА ПАРАЛИНГВИСТИК
ВОСИТАЛАР ТИПОЛОГИЯСИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Филология фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

Оглавление автореферата докторской (Dsc) диссертации

Contents of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

Абдуазизова Дурдона Абдузухуровна

Турли лингвомаданиятларда паралингвистик воситалар типологияси 3

Абдуазизова Дурдона Абдузухуровна

Типология паралингвистических средств в разных лингвокультурах 30

Abduazizova Durdona Abduzuhurovna

Typology of Paralinguistic Means in Different Linguistic Cultures 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

62

Список опубликованных работ

List of published works

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУАЗИЗОВА ДУРДОНА АБДУЗУХУРОВНА

**ТУРЛИ ЛИНГВОМАДАНИЯТЛАРДА ПАРАЛИНГВИСТИК
ВОСИТАЛАР ТИПОЛОГИЯСИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1 DSc/Fil41 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг вебсаҳифасида (nuu.md.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ашурова Дилором Умарова
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қулмаматов Дустмамат Саттарович
филология фанлари доктори, профессор
Насруллаева Нафиса Зафаровна
филология фанлари доктори, профессор
Закирова Елена Сергеевна
филология фанлари доктори, профессор (Россия)

Етакчи ташкилот:

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 400-уй. Тел.: (99871) 246-08-62, факс: (99871) 246-65-21, e-mail: pauka@nuu.uz). Ўзбекистон Миллий университети, Хорижий филология факультети (3-қават, 311-аудитория).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 400-уй. Тел.: (99871) 246-08-62; (99871)246-67-71.

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2022 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

А.Г.Шереметьева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Н.Э. Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент

А.Э.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида антропоцентрик парадигма мавзусига яқин бўлган фанлараро тадқиқотларга нисбатан ижобий ёндашув жадал ривожланмоқда. Шунга кўра, фанлараро аспектда паралингвистик воситаларни лингвистика, социолингвистика, лингвомаданиятшунослик, когнитив лингвистика ва маданиятлараро коммуникация каби фанлар кесимидаги лингвистик ва экстралингвистик омилларнинг узвий боғлиқлигида тадқиқ этиш долзарблик касб этади.

Дунё тилшунослигида паралингвистика, социолингвистика, лингвомаданиятшунослик, когнитив лингвистика, маданиятлараро коммуникация каби бошқа лингвистик ва фанлараро йўналишлар пайдо бўлиши натижасида тилшунос олимлар қўйиши керак бўлган муаммолар кўлами кенгайди, таҳлил қилиш усуллари сезиларли даражада ошиб бормоқда. Хусусан, паралингвистик воситаларга оид кўплаб тадқиқотлар доирасида новербал воситаларнинг аҳамияти, уларнинг тузилмавий аппарати, турли мулоқот вазиятларида қўлланилишига оид хусусиятлари ва паралингвистик воситаларнинг маданиятлараро чоғиштириш билан боғлиқ бўлган тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда новербал коммуникацияда коммуникатив-прагматик, когнитив ва этнохусусиятли омилларни ҳисобга олган ҳолда тиллараро новербал воситаларни чоғиштиришга доир тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз ўзининг миллий тараққиёт стратегиясини белгилаб олган босқичда мультимаданий дунё ҳамжамиятига интеграллашув жараёни филология соҳасининг антропоцентрик парадигма йўналишида тараққий қилишини тақозо этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Тилшунослик ва адабиётшуносликда илмий тадқиқотлар сифати ва кўламини ошириш республикада устувор, стратегик вазифа ҳисобланади”¹. Ушбу диссертация тадқиқоти маълум миқдорда мулоқот маданияти, нутқ маданияти, маданиятлараро коммуникация ва адабий коммуникация кабиларнинг муаммоларини, шунингдек новербал нутқ интизомининг миллий-маданий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда она тили ва чет тилларини ўқиб ўрганишга қаратилган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида» ги фармойиши. //Халқ сўзи, 2017 йил 13 январь. -№9 (6703).

тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576-сон “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги 312-сон “Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотларининг шарҳи. Бугунги кунда коммуникациянинг новербал воситалари муаммоси дунёнинг олий таълим муассасалари етакчи тадқиқотчилари томонидан назарий ва амалий жиҳатларда ўрганилмоқда. Жумладан, University of Edinburgh (Буюк Британия), Ohio State University (АҚШ), Vrije Universiteit Brussel, (Бельгия); University of Bern (Швейцария); Oxford University, (Буюк Британия); Москва давлат лингвистика университети, РФА тилшунослик институти (Россия), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ва бошқа олий таълим муассасалари.

Жаҳон тилшунослигида антропоцентризм фанлараро алоқадорлик ва паралингвистик воситалари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: Кембридж университети (Cambridge University) олимлари томонидан новербал коммуникация масалалари ўрганилганлиги, Москва давлат педагогика университети олимлари томонидан эшитиш қобилиятини йўқотган шахсларда алоқа воситаси сифатида тактиль ва имо-ишора нутқининг хусусиятлари аниқлаштирилганлиги, Торонто университети (University of Toronto) олимлари томонидан новербал коммуникациянинг ижтимоий лингвистик жиҳатлари ўрганилганлиги, Копенгаген университети (University of Copenhagen), Эдинбург университети (University of Edinburgh) олимлари томонидан новербал воситаларнинг фанлараро тавсифи асослаб берилганлиги, Нью-Йорк университети (New York University) олимлари томонидан нутқ интизоми маданиятида лингвомаданиятшунослик масалалари кўриб чиқилганлиги каби ютуқларни таъкидлаш мумкин¹.

Бугунги кунда дунё тилшунослиги ривожланиши контекстида

¹ Шарҳ қуйидаги манбалар асосида тақдим этилади: www.edu.uz/uz, www.academia.edu/, www.jstor.org, www.researchgate, www.tandfonline.com, <https://study.com/learn/>, <https://www.quora.com/file:///C:/Users/user/Downloads/www.tandfonline.com>

антропоцентризм соҳасига доир қуйидаги устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда: лингвомаданият, социолингвистика, когнитив лингвистика, лингвопрагматика, гендер лингвистикаси, психолингвистика, маданиятлараро коммуникация. Паралингвистик воситаларнинг тузилмавий ва семантик жиҳатлари, турли лингвомаданиятларда ва мулоқот вазиятларида турлича қўлланиш, талқин қилиш жараёнларида инсон омили ва атрофдаги борлиқнинг ўзаро таъсири муаммолари призмасида ўрганишга доир фанлараро мажмуавий ёндашув мазкур барча йўналишларни ўзаро боғлаб туради. Хусусан, невербал воситаларига доир антропоцентрик ёндашув доирасида коммуникатив-прагматик, когнитив-прагматик, маданий, ижтимоий-маданий, семантик хусусиятларнинг коммуникант билан алоқадорликдаги муносабатларига алоҳида эътибор қаратилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Паралингвистиканинг муаммолари ўзбек олимлари А. Нурмонов¹, М.Саидхонов², З.Акбарова³ ва чет эл оимлари Р. Бердвистелл⁴, Ж.ЛюТрэйджер⁵, Е.Холл⁶, Е.Станкевич⁷, Е.Д.Поливанов⁸, Дж.Катфорд⁹, А. Пиз¹⁰, Г.В.Колшанский¹¹, Д.Кристалл¹², А.А.Леонтьев¹³, В.П. Морозов¹⁴, Н.И.Смирнова¹⁵, Н.Волфсон¹⁶, Н.Винарская¹⁷,

¹ Нурмонов А. Тасдиқ ва инкорнинг паралингвистик воситалар ёрдамида ифодаланиши. –Т.: Ўзбек тили ва адабиёти, 1979. – №1.–34б// Нурманов А., Саидхонов М.М.Паралингвистические средства выражения утверждения и отрицания// Советская филология. – Т., 1986. – №5. – 69 с.

² Саидхонов М.М. Невербальные средства коммуникации и их лингвистическая манифестация в узбекском языке: Автореф. Дис... на соискание учёной степени канд. фил. наук. – Т., 1993. – 27 с.

³ Акбарова З.Ўзбек тилида мурожаат шакллари. –Тошкент: Академнашр, 2015. –112 б.

⁴ Birdwhistell, R. L. Introduction to Kinesics: An Annotation System for Analysis of Body Motion and Gesture. – Louisville: University of Louisville, 1952. – 88p.

⁵ Trager G.L. Paralanguage: a first approximation // Studies in Linguistics. – Saskatoon: University of Saskatchewan, 1958. – V.13. – P. 27. (Reproduced in: Language, culture and personality. A reader in linguistics and topology. Edited by D. Hymes. – N.Y. Evanston, London, 1964. – P.10-37.

⁶ Hall. E.T. The Silent Language. –N.Y., 1959. – 240 p.

⁷ Stankevich E. Problems of emotive language. // In: Approaches to semiotics: Cultural anthropology. Education. Linguistics. Psychiatry. Psychology: Transactions of the Indiana Univ. conference on paralinguistics and kinesics. – Hague., 1964. – 276 p.

⁸ Поливанов Е.Д. По поводу звуковых жестов японского языка, Е.Д. Поливанов. Статьи по общему языкознанию. –М: Изд.Наука, 1968. – С. 295-305.

⁹ Catford J.C. The Articulatory Possibilities of Man. Manual of Phonetics, ed. B. Milberg. – Amsterdam: North-Holland Publishing Co, 1968. – 339 p.

¹⁰ Пиз Аллан. Языктелодвижений. Как читать мысли других по их жестам. –М.: Ай Кью. – 1966. –257 с.

¹¹ Колшанский Г. В. Паралингвистика. – М.: Наука, 1974. – С.81.

¹² Crystal David. The English tone of voice. Essays in intonation, prosody and paralanguage. N.Y.: St. Martin's Press, 1975. P.198.

¹³ Леонтьев А.Н., Шахнарович А.М., Батов В.И. Речь в криминалистике и судебной психологии. – М.: Наука, 1977. – С.61.

¹⁴ Морозов В.М. Биофизические основы вокальной речи. – Л., 1977. – 231с.

¹⁵ Смирнова Н.И. Сопоставительное описание элементов русской и английской кинесической коммуникации. Национально-культурная специфика речевого поведения. – М: Наука, 1977. – С. 219-247.

¹⁶ Wolfson, N. An empirically based analysis of complimenting in American English. N. Wolfson // Sociolinguistics and language acquisition. – MA: Newbury House. 1983. –P. 80-97.

¹⁷ Винарская Е.Н. Выразительные средства текста (на материале русской поэзии). –М.: Наука, 1989. – 136 с.

Д.Таннен¹, А.Акишина², Ф.Пойтос³, И.А.Стернин⁴, В.А.Маслова⁵, Г.Е.Крейдлин⁶, О.В.Мудрая⁷, Н.И.Формановская⁸, В.Ганина⁹, И.Н.Горелов¹⁰ ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида маълум даражаларда ёритиб берилган.

Мулоқотнинг невербал воситалари, шунингдек унинг лингвомаданиятшунослик ва ижтимоий лингвистика, когнитив лингвистика, маданиятлараро коммуникация каби фанлар билан алоқалари паравербал воситаларнинг тушунча моҳиятини, уларнинг тузилмавий ва семантик жиҳатларини, уларнинг турли мулоқот вазиятларида қўлланилишининг хусусиятларини тадқиқ этувчи бутун дунё олимларининг диққати марказига айланди.

Сўнги йилларда немис, инглиз, хитой, татар, қozoқ тиллари мисолида невербал воситаларнинг чоғиштирма характери ва уларнинг мавжуд бўлишлари бўйича тадқиқотлар пайдо бўлди (М. Курбанов, И. Крейдлин, О.В.Мудрая, Н.Дутова¹¹ ва бошқалар); турли лингвомаданиятларда ҳиссиётларни вербал ва невербал етказиш (Е.Ю. Мирцхулава¹², М.Д. Городникова¹³ ва бошқалар.); паралингвистик воситаларнинг миллий-маданий хусусиятлари бўйича, тарихий, антропологик, психологик ва маданиятшунослик жиҳатларда паралингвистик воситаларни ижтимоий феномен сифатида кўриб чиқишга бағишланган тадқиқотлар (А.Ф. Лосев¹⁴, П.А. Флоренский¹⁵, А. Гелен¹, Н.А. Бернштейн², М. Мосс³ ва бошқалар.) олиб борилди.

¹ Tannen D. You just don't understand. Women and men in conversation. –N.Y.: Morrow, 1990. – 330 p.

² Акишина А.А., Кано Х., АкишинаТ.Е. Жесты и мимика в русской речи. Лингвострановедческийсловарь, –М.: Русскийязык, 1991. – 145 с.

³ Poyatos Fernando, Paralanguage. A linguistic and interdisciplinary approach to interactive speech and sound. – Amsterdam. Philadelphia, 1993. – 462 p.

⁴ Стернин И.А. Русский речевой этикет. – Воронеж, 1996. –125с.

⁵ Маслова В. А.М 31 Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. – 208с.

⁶ Крейдлин Г. Невербальная семиотика. Язык тела и естественный язык. М. «Новое литературное обозрение», 2002. - С. 592.

⁷ Мудрая, Ольга Васильевна. Функции невербальных компонентов в системе языка: на материале сравнения рус. яз. с англ. Дис. канд. филол. наук: 10.02.20. – Москва: РГБ, 2002. – 195с.

⁸ Формановская Н.И., Речевое общение: коммуникативно прагматический подход. – М.: Издательство Русский язык, 2002. – 244 с.

⁹ Ганина В.В., Карташова Ф.И. Эмоции человека и невербальное поведение: гендерный аспект (монография). – Иваново: ИвГУ, 2006. – 205с.

¹⁰ Горелов И.Н. Невербальные компоненты коммуникации. Изд.4-е.–Москва: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2009. –112с.

¹¹ Дутова Н.В. Гендерное невербальное поведение в контексте межкультурной коммуникации. –Чита: Забайк. Гос. Университет, 2014. – 124 с.

¹² Мирцхулава Е.В.Ю. Вербально-невербальная экспликация презрения в разносистемных лингвокультурах: Сопоставительное исследование на материале английских и русских речевых видеофильмов. Дис... на соискание уч. степени канд. фил. наук. Краснодар, 2008. –274с.

¹³Городникова М.Д. Тендер в коммуникативной интеракции // Тендер: язык, культура, коммуникация. – М., 2002. –185 с.

¹⁴ Лосев А.Ф. Творчество. Традиции. Интерпретации. – Москва: Водолей, 2014. – 448с.

¹⁵ Флоренский, П. А. Имена. Социальная философия имени. Ч. 1-2 / Характер и имя // Четвертое измерение, вып. 5 / Сост. Г. М. Новоселова.СПб.: Библиополис, 1993. 310 с.// Флоренский П. А. Анализ пространственности и времени в художественно-изобразительных произведениях // Флоренский П. А. История и философия искусства. – М., 2000.

Н.Л. Грейдин⁴, Н.И.Формановская⁵, И.И. Зарецкая⁶ каби тадқиқотчиларнинг илмий ғоялари билан асосланган новербал мулоқот ахлоқи ва маданияти масалалари бўйича илмий ишлар қилинган. Паралингвистикага бағишланган илмий ишларнинг кўп қисми асосан умумий муаммоларга тегишли, алоҳида тилларга ёки қиёсий-чоғиштирма характерида бўлган илмий ишлар сони жуда оз.

Юқорида санаб ўтилган муаллифларнинг кўпчилиги паралингвистик воситаларнинг “маданиятлараро таққосланиши”⁷ имконияти мавжудлигини таъкидлаганлар, бироқ мисоллар билан кўрсатиб беришда улар кўпроқ инглиз тилидаги мисолларга мурожаат этишган.

Паралингвистик воситалар тадқиқотига бағишланган илмий ишлар сезиларли салмоқли бўлишига қарамай, турли лингвомаданиятларда паралингвистик воситаларнинг таксономияси муаммоси билан боғлиқ бўлган, ушбу воситаларнинг ижтимоий-маданий, прагматик, когнитив омилларининг функционал моҳиятини, паралингвистиканинг антропоцентрик парадигманинг бошқа фанлари билан ўзаро алоқаларини аниқлаб берувчи масалалар етарлича очиб берилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг “Турли тизимли тилларнинг лингвистик ва типологик хусусиятлари” мавзусидаги илмий йўналишлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади паралингвистик воситалар инглиз, ўзбек ва рус тилларида мавжудлиги асосида уларнинг коммуникатив-прагматик, ижтимоий-маданий, когнитив ва этник жиҳатлардаги хусусиятлари нуктаи назаридан туркумлаштириш ва концептуаллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

паралингвистиканинг фанлараро мақомини ва унинг прагматингвистика, маданиятлараро алоқа, социолингвистика, когнитив тилшунослик, лингвокултурология каби фанлар билан алоқаларини асослаш;

паралингвистик воситаларни коммуникациянинг вербал воситалари билан нисбатда қиёсий-чоғиштирма таҳлил қилиш амалларини ишлаб чиқиш; ижтимоий-маданий, когнитив-прагматик ва этник хусусиятли омилларни ҳисобга олган ҳолда турли лингвомаданиятларда паралингвистик воситалар қўлланилишининг таксономик ва функционал таҳлилини ўтказиш;

¹ Ghelen A. Der Mensch Seine Natur und seine Stellung in der Welt. БерНп. 1940. – 8-10 с.

² Бернштейн Н.А. О построении движений. – М.: Медгиз, 1947. 255 с. // Бернштейн Н.А. Очерки по физиологии движений и физиологии активности. – М.: Медицина, 1966. – 349 с.

³ Мосс М.К. Общества. Обмен. Личность. – М.: Наука, 1996. – С. 216-329.

⁴ Грейдина Н.Л. Основы коммуникативной претензии. – Пятигорск: Изд.Рекламно-информационное агентство на КВМ, 2003. – С.82.

⁵ Формановская Н.И. Русский речевой этикет. Лингвистический и методические аспекты. – М., 2015. – С.244

⁶ Зарецкая И. Основы этики и психологии делового общения. – Москва: Изд. Оникс, 2020. – 220 с.

⁷ Crystal David. The English tone of voice. Essays in intonation, prosody and paralanguage. – N.Y.: St. Martin's Press, 1975. – 198 p.

инглиз, ўзбек ва рус лингвистик маданиятларида паралингвистик воситаларнинг изоморфик ва алломорфик тавсифлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

тадқиқ этилаётган лингвомаданиятлар материали асосида новербал воситаларнинг миллий-маданий хусусиятларини аниқлаш;

коммуникациянинг новербал компонентлари билан нисбатлаган ҳолда мулоқот маданияти, миллий нутқ маданияти ва нутқ интизоми, маданиятлараро алоқада, бадиий матнда паралингвистик воситалар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва асослаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз, рус ва ўзбек лингвомаданиятларида коммуникациянинг турли тип (расмий, норасмий нутқ, маданиятлараро мулоқот, нутқ одоби, адабий матн) ва вазиятларида қўлланилувчи паралингвистик воситалар танланган.

Тадқиқотнинг предмети турли коммуникатив вазиятларда паралингвистик воситаларнинг типологияси ва параметризацияси, уларнинг инглиз, рус ва ўзбек лингвомаданиятларидаги функционал аҳамияти, миллий-маданий хусусиятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тасвирий метод, таксономик таҳлил, чоғиштира таҳлил, қиёсий-чоғиштира таҳлил, параметризациялаш методи, кросс-маданий метод, коммуникатив-прагматик таҳлил, концептуал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

парфонетик ва паракинесик воситаларнинг инглиз, рус ва ўзбек лингвомаданиятларидаги параметрлаштирилиши далилланган;

инглиз, рус ва ўзбек лингвомаданиятларида новербал воситаларнинг кўп маънолилиги ва кўп функционаллиги, юқори-контекстли ва қуйи-контекстли маданиятга тегишли семантик-стилистик, коммуникатив-прагматик, когнитив каби изоморф хусусиятлари ҳамда паралингвистик воситаларнинг маълум бир маданиятда мавжудлиги, иккинчи бир маданиятда эса мавжуд эмаслиги, функционал йўналтирилганлиги, вариантдорлиги каби алломорф хусусиятлари асосланган;

таҳлил этилаётган лингвомаданиятлардаги коммуникацияларнинг турли тип ва вазиятларда қўлланилувчи паралингвистик воситалар мавжуд бўлиши жараёнларида коммуникатив, ижтимоий-маданий ва когнитив-прагматик омилларнинг ёш ва гендер омиллари, маданий ва таълим даражаси доирасидаги мақом тавсифлари, коммуникациянинг интенционал ва стратегик характери, инсоннинг интеллекти ва менталитети билан бевосита боғлиқ каби функциялари асосланган;

инглиз, рус ва ўзбек лингвомаданиятларида паралингвистик воситаларнинг вербал ва новербал нутқ интизомининг қоида ва меъёрлари, миллий менталитет ва характер, ҳаёт тарзи, миллий анъаналарни акс эттирувчи ўзига хос миллий-маданий хусусиятлари исботланган;

паралингвистик воситаларнинг функционал аҳамияти ҳамда таҳлил қилинаётган лингвомаданиятлардаги коммуникация ва мулоқот вазиятларнинг маданиятлараро коммуникация, нутқ маданияти, адабий

коммуникация типларида уларнинг асосий когнитив, ижтимоий-маданий, стилистик функциялари далилланган;

маданиятлараро алоқада, нутқ одобида паралингвистик воситаларнинг ижобий контентини яратиш, хушмуомалаликни ифодалаш, алоқа ўрнатиш, келишувга эришиш, дунё ва дунёнинг концептуал тасвирини моделлаштириш ҳақидаги янги билимларни тўплаш, маълум бир маънони тўғри етказиб бериш каби концептуал аҳамияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари.

инглиз, ўзбек ва рус лингвомаданиятларида парафонетик, паракинетик воситаларнинг ишлаб чиқилган типологияси ва параметрланиши, шунингдек, уларнинг қиёсий ва маданиятлараро таҳлили паралингвистика, социоллингвистика, маданиятлараро алоқа, нутқ одоби ва адабий алоқанинг ривожлантиришга катта ҳисса қўшиши аниқланган;

инглиз, ўзбек ва рус тил маданиятларидаги паралингвистик воситаларнинг функционал хусусиятлари, шунингдек миллий-маданий ўзига хос хусусиятларига оид хулосалар уларнинг турли хил алоқа жараёнида аҳамиятини тасдиқлаши асосланган;

паралингвистик воситаларнинг маданиятлараро алоқада функционал хусусиятлари ва концептуал аҳамияти, нутқ одоб-ахлоқ қоидаларида ва бадиий матнда концептуал аҳамияти бўйича аниқланган хулосалар университетларнинг ўқув жараёнида ўқув дастурлари ва маъруза курсларини ишлаб чиқишда, умумий тилшунослик, когнитив тилшунослик, маданиятлараро алоқа, социоллингвистика, умумий тилшунослик бўйича маърузалар ва семинарларда қўлланилиши аниқланган;

тадқиқот давомида ишлаб чиқилган тавсиялар маданиятлараро алоқа, туризм соҳаларида фаолият олиб боровчи ходимлар учун хизмат қиладиган, шунингдек, юқори алоқа маданиятини талаб қиладиган барча коммуникатив вазиятларда амалий қўлланма бўла олиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот давомида амалга оширилган таҳлиллар натижасида қўлга киритилган, шунингдек умумий эътирофга сазовор бўлган илмий концепциялар ва ёндашувларга асосланган назарий ва амалий материалларнинг катта ҳажми кўриб чиқилганлиги; ОАК томонидан тадқиқот ишларини чоп этиш учун тавсия этилган мамлакат ва чет эл илмий журналларида, республика ва халқаро илмий анжуманлар тўпламларида илмий иш натижаларнинг чоп этилгани; диссертациянинг хулоса ва тавсиялари амалиётга тадбиқ этилиши, фундаментал-инновацион лойиҳаларда жорий қилингани ва ваколатли давлат тузилмалари томонидан тақдим этилган маълумотномалари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўтказилган кузатувлар ва диссертацияда тақдим этилган хулосалар тилшунослик, паралингвистика, лингвомаданиятшунослик, ижтимоий лингвистика, семиотика, маданиятлараро коммуникация назариясининг ривожланишига маълум ҳисса қўшаши; диссертация ишида қўлланилган фанлараро ёндашув коммуникациянинг новербал воситаларни коммуникатив-прагматик,

лингвокогнитив, лингвомаданиятшунослик, ижтимоий-лингвистик омилларни ҳисобга олган ҳолда ўқиб ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида хулоса қилишга имкон яратиши; шунингдек диссертация тадқиқотида инглиз, рус ва ўзбек лингвомаданиятларида паралингвистик воситалар таҳлилининг методикаси ва унинг амалиёти ишлаб чиқилганлиги; мазкур методика ва таҳлил амали бошқа лингвомаданиятларнинг паралингвистик воситалар таҳлилида ҳам қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқотнинг натижалари ва материаллари олий ўқув юртларининг ўқув жараёнида умумий тилшунослик, когнитив лингвистика, маданиятлараро коммуникация, ижтимоий лингвистика, лингвомаданиятшунослик бўйича маъруза ва семинар машғулотларни ўтказишда, ўқув дастурлари ва маъруза курсларини ишлаб чиқишда, диссертация ишлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини ёзишда, шунингдек вербал ва невербал воситаларнинг лингвистик луғатларини тузишда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турли лингвомаданиятларда паралингвистик воситалар типологиясини тадқиқ этиш жараёнида олинган назарий қоида ва амалий натижалар асосида:

парфонетик, паракинесик воситаларнинг инглиз, рус ва ўзбек лингвомаданиятларидаги параметрлаштирилишга оид хулосалардан 2017-2021 йилларда Андижон давлат университетида бажарилган ОТ-Ғ1-18-сонли “Оммавий оғзаки маданиятни шакллантириш методлари ва методикаларини ишлаб чиқиш” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 25 августдаги 32-32/4864-сон маълумотномаси). Натижада мазкур маълумотлар фундаментал лойиҳа доирасида дастур ва иловаларни такомиллаштиришга хизмат қилди;

инглиз, рус ва ўзбек лингвомаданиятларида невербал воситаларнинг кўп маънолилиги ва кўп функционаллиги, юқори-контекстли ва қуйи-контекстли маданиятга тегишли семантик-стилистик, коммуникатив-прагматик, когнитив каби изоморф хусусиятлари ҳамда паралингвистик воситаларнинг маълум бир маданиятда мавжудлиги, иккинчи бир маданиятда эса мавжуд эмаслиги, функционал йўналтирилганлиги, вариантдорлиги каби алломорф хусусиятларига оид хулосалардан “Харбий авиация атамаларининг инновацион электрон уч тилли изоҳли луғатини яратиш” инновацион лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигининг 2022 йил 20 июлдаги 10/1231-сон маълумотномаси). Натижада мазкур маълумотлар дастур ва ўқув қўлланмаларининг такомиллаштиришига, шунингдек инновацион электрон учтилли изоҳли луғат яратилишига кўмаклашди;

паралингвистик воситаларнинг функционал аҳамияти ҳамда таҳлил қилинаётган лингвомаданиятлардаги коммуникация ва мулоқот вазиятларнинг маданиятлараро коммуникация, нутқ маданияти, адабий коммуникация типларида уларнинг асосий когнитив, ижтимоий-маданий, стилистик, маданиятшунослик функцияларига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг Божхона институти “Божхона

иши” факультетида “Божхона иши”, “Юриспруденция” (иқтисодий хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш) мутахассисликлари ва магистратура йўналишида бакалаврият ва магистратура талабаларини тайёрлашда, жумладан “Инглиз тили” фани бўйича амалий машғулотларни олиб боришда ва, шунингдек, “Профайлинг” фани бўйича маърузалар ва махсус курсларни ўқитиш бўйича ўқув жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг 2022йил 09 июндаги 27/25-22-0009-сон маълумотномаси). Натижада, тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси Божхона институтининг “Божхона иши” факультетида “Божхона иши” “Юриспруденция” (иқтисодий хавфсизликнинг ҳуқуқий таъминлаш) мутахассисликлари ва магистратура йўналишида бакалаврият ва магистратура талабаларини тайёрлашда, жумладан “Инглиз тили” фани бўйича амалий машғулотларни олиб боришда, ва шунингдек “Профайлинг” фани бўйича маърузалар ва махсус курсларни ўқиш бўйича ўқув жараёнида; инглиз тили бўйича «English for Customs students» ўқув қўлланмаси ва “Professional English for Masters” дарслигида ўз аксини топган;

инглиз, рус ва ўзбек лингвомаданиятларида паралингвистик воситаларнинг вербал ва новербал нутқ интизомининг қоида ва меъёрлари, миллий менталитет ва характер, ҳаёт тарзи, миллий анъаналарни акс эттирувчи ўзига хос миллий-маданий хусусиятлари борасидаги хулосалари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида сценарийлар ва айрим шоу-кўрсатувларни тайёрлашда, жумладан, “Ўзбекистон” телеканалининг дастурларини ёзишда дикторлар (суҳандонлар), теле олиб боровчиларнинг нутқ кўникмаларини ошириш, шахсий ва маданиятлараро мулоқотни шакллантириш каби, шунингдек турли телекўрсатувларни, жумладан «Assalom O‘zbekiston» дастурини олиб бориш жараёнларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2022 йил 28 июндаги 06-28-1190-сон маълумотномаси). Натижада мазкур тадқиқот маълумотлари телекурсоватув илмийлигини, суҳандон ва телебошловчиларнинг нутқ кўникмаларини оширишга, шахсий ва маданиятлараро мулоқотни шакллантиришга хизмат қилган;

маданиятлараро алоқада, нутқ одобида паралингвистик воситаларнинг ижобий контентини яратиш, ҳушмуомалаликни ифодалаш, алоқа ўрнатиш, келишувга эришиш, дунё ва дунёнинг концептуал тасвирини моделлаштириш ҳақидаги янги билимларни тўплаш, маълум бир маънони тўғри етказиб бериш каби концептуал аҳамияти борасидаги хулосалари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги “Китоб маҳсулотини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорида келтирилган вазифаларнинг бевосита ижросига қаратилган. (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2022 йил 7 сентябрдаги 03-12-13-3631-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган тавсиялар «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик

маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури» нинг 35 банди доирасида жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари илмий маъруза кўринишда 9 халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация бўйича 34 та илмий иш, жумладан 1 монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг илмий натижаларини чоп эттириш учун тавсия этилган илмий журналлардаги 17 мақола, шу жумладан, республика миқёсидаги журналларида 12 та мақола ва хорижий илмий журналларида 5 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 244 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи келтирилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи боби “Паралингвистиканинг назарий жиҳатлари ва тадқиқотнинг методик асослари ”** деб номланади. Унда асосий назарий қоидалар, паралингвистиканинг асосий муаммолари ва унинг ривожланиш истиқболлари кўриб чиқилган, лингвистик адабиётнинг танқидий таҳлили материали асосида мулоқот жараёнида вербал ва новербал воситаларнинг нисбати муаммоси кўриб чиқилган, паралингвистика бўйича илмий ишларнинг асосий қоидалари таҳлил қилинган, паралингвистиканинг мақоми ва унинг лингвомаданиятшунослик, прагматингвистика, ижтимоий лингвистика, этнолингвистика, маданиятлараро коммуникация, когнитив лингвистика ва бошқа фан соҳалари билан ўзаро алоқалари аниқланган, новербал коммуникациянинг ижтимоий-маданий, коммуникатив-прагматик, когнитив ва этник жиҳатдаги хусусиятлари аниқланган.

Паралингвистика новербал мулоқот ҳақидаги фан сифатида паралингвистик воситаларни таҳлиliga нисбатан турлича ёндашувлар билан характерланади. Асосий муаммолардан бири барча паракинесик ва парафонетик мулоқот воситаларининг аниқлаб берилиши ва таснифланишини назарда тутувчи таксономик таҳлил ҳисобланади.

Паралингвистик воситалар таснифига нисбатан турлича ёндашувлар mavжуд. Ж.ЛюТрейджер¹ концепциясида коммуникация жараёни тил, кинесика ва паратилни қамраб олган ҳолда урта қатламдан иборат. Унинг фикрига кўра, паратил – бу товуш сифатлари (тон даражаси, резонанс, суръат (темп), ритм ўзгариши диапозони ва ҳоказо) ва вокализацияларга (ўзига ҳос хусусиятли товуш воқеликларга: кулги, йиғи, шивирлаш, увиллашлар ва ҳоказолар) бўлинувчи парфонетик воситалардир. Ж.ЛюТрейджер² фикрига кўра, имо-ишоралар, мимика, тана ҳаракатлари ва ҳоказоларни қамраб олувчи кинесика паратилга тегишли бўлмайди. Худди шундай нуқтаи назар бошқа етакчи тадқиқотчилар томонидан ҳам айтиб ўтилган (Бодуэн де Куртене³). Паралингвистиканинг муаммоларини кўриб чиқиш асосида Д.Кристал⁴ ҳам кинесикани паралингвистикадан чиқариб юборган ва бу қондани кинесика лингвистикага эмас, балки семиотикага тегишли эканлиги билан асослаган.

Биз унинг фикрига қўшила олмаймиз, чунки паракинесик воситалар паратилнинг муҳим таркибий асосларидан бири деб ҳисоблаймиз. Бу фикрни бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ҳам кузатиш мумкин. масалан, А.Хилл⁵ ҳақли равишда паралингвистиканинг тадқиқот объекти тенг асосда парфонетик ва паракинесик воситалар эканлигини таъкидлаган.

Паралингвистик воқеликлар ижтимоий-лингвистик, лингво-маданий ва когнитив характерда бўлган кўплаб омиллар билан белгиланган мураккаб иерархик тизимни ҳосил қилади. Новербал коммуникациянинг *ижтимоий-лингвистик жиҳати* қуйидаги омиллар билан шартланилган:

- а) коммуникатив вазиятнинг характери (расмий, норасмий);
- б) коммуникантнинг ижтимоий ва касбий мақоми;
- в) коммуникантларнинг ёш ва гендер тавсифлари.

НOVERбал коммуникациянинг *лингвомаданий жиҳати* қуйидаги омиллар билан шартланилган: а) тил, паратил ва маданиятнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатланиши ва алоқаси; б) паралингвистиканинг миллий-маданий хусусиятлари, яъни асосини менталитетнинг миллий хусусиятлари, характери, ҳаёт тарзи, новербал нутқ интизомининг миллий хусусиятлари ташкил этувчи миллий-маданий хусусиятлар.

Паралингвистик мулоқотнинг *когнитив жиҳати* паралингвизмларнинг инсоннинг тафаккур фаолияти, унинг интеллекти ва менталитети билан бевосита боғлиқ. Паралингвистик воситаларнинг когнитив аҳамияти энг аввало улар маъно ҳосил қилиш ва маънони фарқлаш каби когнитив функцияларни бажарган ҳолда ҳар бир конкрет вазиятда маълум концептуал маънони етказиб бериши билан шартланилади.

¹ Trager G.L. Paralanguage: a first approximation. – Saskatoon: II Studies in Linguistics V. /13. 1958. – P. 27.

² Trager G.L. Language, culture and personality. A reader in linguistics and ant- typology. Edited by D. Hymes. – London, 1964. – P. 10-37

³ Бодуэн де Куртене И.А. Некоторыеобщиезамечанияоязыковеденииязыке// Бодуэн де Куртене И.А. Избранные труды по общему языкознанию. – М.: АН СССР, 1962. - Т.1. – 384с.

⁴ Crystal David. The English tone of voice. Essays in intonation, prosody and paralanguage. – N.Y.: St. Martin's Press, 1975. – P.19

⁵ Hill, A.A. Introduction to Linguistic Structures, from sound to sentence in English. Hardcover January 1, 1958 – Harcourt, Brace, 1976. – P. 6-17.

Фанлараро ва кўп жиҳатли мукаммал фан сифатида паралингвистика тадқиқотчилар олдига бир қатор муаммоли масалалар қўяди. Улардан асосийлари қуйидагилардир: паралингвистик воситаларнинг таксономияси ва типологияси, уларнинг параметрлаштирилиши, яъни моҳиятли хусусият ва тавсифларни белгилаб берилиши, миллий-маданий хусусиятларни, мулоқот турлари ва вазиятларида паралингвистик воситаларнинг функционал аҳамиятлилигини аниқлаш мақсадида ўтказилувчи таҳлил, турли лингвомаданиятлардаги паралингвистик воситаларнинг қиёсий – чоғиштира таҳлили.

Санаб ўтилган масалалар етарли даражада тадқиқ этилмаган (паралингвистик воситаларнинг таксономияси ва типологияси), тизимлаштрилган ҳолда тақдим этилмаган (паралингвистик воситаларнинг параметрлаштирилиши), ўрганилмаган (инглиз, ўзбек ва рус лингвомаданиятларида паралингвистик воситаларнинг чоғиштира таҳлили) ва ҳалигача мунозарага сабаб бўлиб келган (паралингвистик воситаларнинг функционал жиҳатлари).

Лингвистик адабиётда паралингвистик воситаларнинг функционал жиҳати билан боғлиқ бўлган масалалар жуда кенг мунозараларга сабаб бўлади. Бу борада кўплаб тадқиқотчилар паралингвистик воситалар коммуникантнинг эмоционал таъсири остида акс этувчи эмоционал таркибга, яъни паралингвистик воситаларнинг ички эмоционал ҳолат баҳоловчи муносабатни билдиришда қўлланилишига эътибор қаратишган.

Бизнинг материаллар асосида олиб борган таҳлилларимиз паралингвистик воситаларнинг функционал аҳамиятлилиги эмотив функция билан чекланиб қолмаслигини кўрсатиб берди. Диссертацион тадқиқотимизнинг асосий хулосаларидан бири паралингвистик воситаларнинг кўп мазмунли кўп функционаллиги ҳақидаги қоида ҳисобланади. Кўп мазмунлилик ва кўп функционаллик коммуникатив-прагматик, стилистик, ижтимоий-маданий ва прагматик ҳамда когнитив характердаги функциялар жуда кўп ва турлича эканлигида юз беради.

Паралингвистиканинг муҳим муаммоси паралингвистик воситаларнинг миллий-маданий хусусиятлари муамамоси ҳисобланади. Мазкур нуқтаи назар дунёнинг кўплаб олимлари томонидан ҳам алоҳида таъкидланган (Г.В.Колшанский¹, И. Н. Горелов², Г.Е. Крейдлин³ ва бошқалар). Бизнинг тадқиқотимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳам паралингвистик воситаларнинг миллий-маданий хусусиятларини аниқлаштириш ҳисобланади. Бу муаммонинг ҳал этилиши, бизнинг назаримизда, фақатгина инглиз, ўзбек ва рус лингвомаданиятларида паралингвистик воситаларнинг қиёсий-чоғиштира ва кросс-маданий таҳлили жараёнида юз бериши мумкин. Зеро, бу таҳлилнинг натижаси паралингвистик воситаларнинг

¹ Колшанский Г. В. Паралингвистика. –М: Наука, 1974. – 81с.

² Горелов И.Н. Невербальные компоненты коммуникации. –М.: Изд.4-е.– М.: Книжный дом ЛИБРОКОМ, 2009. – 112 с.

³ Крейдлин Г. Невербальная семиотика. Язык тела и естественный язык. –М.: Новое литературное обозрение. 2002. – 592 с.

миллий-маданий хусусияти уларнинг алломорф тавсифлари билан аниқланади ва бу тавсифлар ўз навбатида миллий маданиятнинг ўзига ҳослиги, миллий менталитет, характер, ҳаёт тарзининг хусусиятлари билан шартланилади деган хулоса ҳисобланади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Инглиз, ўзбек ва рус лингвомаданиятларида паралингвистик воситаларнинг таксономик, типологик ва функционал таҳлили”** деб номланган ва унда паралингвистиканинг новербал коммуникация воситаларни ўрганувчи бўлим сифатидаги тузилмаси ва мазмуни тасвирлаб берилган ҳамда инглиз, ўзбек ва рус лингвомаданият вакиллариининг мулоқотида қўлланилувчи паралингвистик воситалар (парафонетик ва паракинесик)нинг таксономик, типологик ва функционал таҳлили ўтказилган.

Паралингвистик воситаларнинг таксономия муаммоси бўйича мавжуд бўлган маълумотлар ва шунингдек турли вазиятлардаги коммуникация жараёнлари устида олиб борилган кузатувларимизни умумлаштирган ҳолда, биз паралингвистика — бу тилшуносликнинг нутқий мулоқотнинг парафонетик ва паракинесик воситаларини қамраб олувчи новербал воситаларини ўрганувчи бўлими деган хулосага келдик. Парафонетик воситалар товуш сифатлари ва фонацион тавсифлар (вокаллашув, оҳанглилик, тоннинг вариативлиги, хетизация, паузация, ритмика, урғу, эмоционал тембр) қамраб олувчи сегмент ва суперсегмент (парапросодик) (товуш символизми, тақлидий сўз, юклама ундалмалари, товушларни мақсадли равишда чўзиш ва кучайтириш, фонетик ва фонотактик меъёрларнинг бузилиши) воситаларга бўлинади. Паракинесик воситалар коммуникантнинг (яъни, суҳбатда қатнашаётган шахснинг) нутқ интизомини имо-ишоралар, мимика ва гавда ҳаракатлари воситасида акс эттиради.(Илова1)

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва тақлиф этилган паралингвистик воситалар типологияси парафонетик ва паракинесик даражаларда таснифланиши зарурлигини тақозо этади. Парафонетик воситалар, марказдан максимал даражада сиртда (четда) жойлашган ҳолда сезиларли равишда ўзгаради ва индивидуал артикуляцион-акустик, эмоционал-экспрессив хусусиятлар билан характерланади. Биз ҳар бир парафонетик воқеликни маълум бир типологик тоифа, унинг шакли ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилиши керак бўлган изоморфизм ва алломорфизм мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги сифатида қабул қилганмиз.(Илова 2)

Товуш тизимининг сиртига (ташқарисига) тегишли бўлган ва фонологик даражанинг асосий бирлиги сифатида олинмайдиган парафонетик воситалар қуйидагилар билан характерлидир:

а) нутқнинг ларингализация, фарингализация, веляризация, аспирация, приаспирация, глоттализация, назализация каби ҳолатларда юз берувчи артикуляцион-акустик хусусиятларга боғлиқлиги;

б) кўп функциявийлиги, яъни характер ва йўналтирилганлиги мулоқот вазияти, ижтимоий, маданий ва коммуникатив-прагматик омиллардан келиб чиққан ҳолда аниқланувчи функциялар мажмуига эга бўлиши.

Имо-ишоралар, мимика ва тана ҳаракатларидан иборат бўлувчи паракинесик воситалар кўплаб шакллар билан фарқланади ва турли асослар бўйича таснифланиши мумкин:

а) шакли (бош ирғаш, қўлни сиқиш, кулги, кўз қисиш) ва мазмуни (миннатдорчилик, маъқуллаш / маъқулламаслик, ҳиссиётларни билдириш);

лингвистик воситалар билан ўзаро алоқаси бўйича (прагматик самарани оширган ҳолда тилни қопловчи, тил билан биргаликда амалга оширилувчи, урғулантирувчи ва бошқа воситалар);

в) коммуникатив вазиятнинг характери бўйича (саломлашиш, хайрлашиш, миннатдорчилик изҳор этиш ва бошқалар);

г) функционал йўналтирилганлиги бўйича (коммуникатив, апеллатив, экспрессив-кучайтирилганлик, ҳиссиётлар билдирилиши, экспрессив, прагматик, маъно фарқловчи, маъно ҳосил қилувчи, тил тежамкорлиги функциялари). (Илова 3)

Таъкидлаш жоизки, таклиф этилган таснифлар шартли характерга эга. Чунки, биринчидан, паракинесик воситалар кўп маънолилиқ билан характерланади ва шакли бўйича бир хил бўлган паракинесик воситалар турли маъноларга эга бўлиши ва турли функцияларни бажариши мумкин; иккинчидан, бир хил бўлган функция бир нечта паракинесик восита орқали ифодаланилиши мумкин. (Илова 4).

Паралингвистик воқеликларни тадқиқ этиш бизга дунёқараши турлича бўлган, турли ижтимоий мақом, касбий мансубликка эга бўлган одамлар ҳақида тушунча беради. Паралингвистик воситаларнинг аҳамиятлилиги уларнинг кўп функциялилиги, яъни уларга йўналтирилган функцияларнинг кўп қирралиги:

а) экспрессивлик ва эмоционалликни билдириш;

б) коммуникация иштирокчиларини маданий даражаси, ижтимоий ва касбий мақоми, ёш хусусиятлари ва миллий бир хиллиги нуқтаи назарларидан тавсифлаш;

в) коммуникантларнинг ички руҳий ҳолати очиқ берилиши;

г) жамият ва оилада тутилиувчи ўринлар экспликацияси;

д) маъно фарқловчи ва маъно ҳосил қилувчи функциялар билан шартланилади.

Бошқача қилиб айтганда, паралингвистик воситалар шахслараро ва маданиятлараро коммуникация жараёнида стилистик, коммуникатив-прагматик, когнитив ва маданияшунослик функциялар мажмуини бажаради.

Диссертациянинг учинчи боби **“Турли тизимли тилларда паралингвистик воситаларнинг қиёсий-чоғиштира тадқиқоти”** деб номланган ва унда паралингвистик воситаларнинг методлари ва уларнинг таҳлили амаллари аниқланган, инглиз, ўзбек ва рус тилларидаги парфонетик ва паракинесик воситаларнинг таҳлили амалга оширилган.

Паралингвистик воситаларни қиёсий-чоғиштира ўрганиш мумаммоси лингвистик типологиянинг умумий назариясида кўриб чиқилмаган, аммо унинг айрим методлари ва таҳлил амаллари паралингвистик қиёсий типологиясида қўлланилиши мумкин. Чунки паралингвистик воситалар нутқ

интизомининг ижтимоий ва миллий хусусиятлари билан шартланилган, уларнинг чоғиштирилиши маданият, психология, ахлоқ элементларини ҳисобга олган ҳолда кўп жиҳатли ва яхлитлик касб этади. Паралингвистик воситалар ўзига хос универсаллик касб этади, чунки барча тилларда фонетик ва кинесик типда бўлган паралингвистик воқеликлар мавжуд, аммо ҳар бир тил уларни ўз ҳолича қўллайди ва шу туфайли улар ижтимоий-маданий ва миллий хусусиятга эга бўлади. Аслида, паралингвистик воситалар тилнинг фонетик ва фонологик воқеликларидан фарқли равишда маълум маънога эга бўлиши ва вербал воситалар орқали, ёки мустақил тарзда турли типда бўлган ахборот (стилистик, прагматик, ижтимоий-маданий, этник-маданий ва ҳоказо) етказиб бериши мумкинлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Паралингвистик воситаларнинг методлари ва қиёсий-типологик таҳлили амаллари паралингвистик қиёсий типология соҳасига экстраполяцияланиши мумкин, шу билан бирга таъкидлаш жоизки, бу кўчириб ўтиш методларни бир соҳадан иккинчисига механик кўчириб олиб ўтиш бўлмайди, балки қиёсий-чоғиштира методнинг кросс-маданий таҳлил билан қоришиб кетиши заруриятида акс этувчи ижодий сингиб кетиш бўлишини таъкидлаш зарур ва бу сингиш ижтимоий-маданий контекстни келтириб чиқаради, паралингвистик воситаларнинг ижтимоий-маданий аниқлаб берилиши билан шартланилади.

Инглиз, ўзбек ва рус лингвомаданиятларидаги парафонетик ва паракинесик воситаларнинг қиёсий-чоғиштира таҳлили жараёнида уларнинг изоморф ва алломорф тавсифлари аниқлаштирилади.

Парафонетик ва паракинесик воситаларнинг изоморфизми қуйидагиларда акс этади:

а) санаб ўтилган лингвомаданиятларнинг ҳар бирида парафонетик воситаларнинг ҳар бир типи мавжудлигида;

б) ҳар бир лингвомаданиятда парафонетик воситаларнинг кўп маъноли ва кўп функцияли эканлигида;

в) турли коммуникатив вазиятларда парафонетик воситалар томонидан бажарилаётган функциялар умумий эканлигида;

